

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Ислон тараққиёт банкининг навбатдаги йиллик анжумани бошланди



22:19 / 12.05.2023 1846

Жорий йилнинг 10 май куни Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Ислон тараққиёт банкининг навбатдаги йиллик анжумани ўз ишини бошлади. Ушбу тадбир ҳар йили ўтказиладиган тадбирлардан бўлиб, унда асосан Ислон тараққиёт банкига аъзо давлатлардан ҳамда бошқа мамлакатлардан меҳмонлар, хусусан, халқаро ва маҳаллий молия муассаса ва ташкилотлари иштирок этишади.

Ўзбекистондан ҳам тижорат банклари ва бошқа молиявий ташкилотлар вакиллари ушбу тадбирда иштирок этишмоқда.

Ислом тараққиёт банки гуруҳига кирувчи ташкилотлардан маблағ жалб қилиш бўйича шартномалар имзоланмоқда.

Хусусан, InfinBANK билан Халқаро Ислом савдо ва молия корпорацияси (ITFC) ўртасида 25 миллион долларлик шартнома имзоланди. Бир йилгача муддатга бериладиган маблағлар юридик шахсларнинг савдо операцияларини молиялаштиришга мўлжалланган.

Шунингдек, Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ICD) билан 15 миллион долларлик икки томонлама ҳужжатлар имзоланган. Маблағлар савдо операцияларини молиялаштириш ва ускуналар сотиб олишга мўлжалланган. Таъкидлаш керакки, “InfinBANK”нинг ИТБ гуруҳи таркибига кирувчи корпорациялар билан самарали ҳамкорлиги Ўзбекистон молия бозорида шариат тамойилларига мос банк маҳсулотларига бўлган талабнинг қондирилишига хизмат қилмоқда.

Ушбу нуфузли анжуман давомида Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси томонидан “Трастбанк” – кичик ва ўрта бизнес йўналишида энг яхши ҳамкор” деб эътироф этилди. Ушбу мукофотни Ислом тараққиёт банки раиси Др. Муҳаммад Сулаймон Ал-Жассир ҳамда Халқаро ислом Савдо-молия корпорацияси бош ижрочи директори Ҳани Салим Сонбол “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бошқарув Раиси С.Нормухамедовга топширди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозим, шу пайтгача “Трастбанк” Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси ҳамда Халқаро савдо-молия ислом корпорацияси билан жами 64 миллион АҚШ доллари миқдорида 6 та келишув имзоланган. Улар доирасида Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнес субъектларининг жами 54 та лойиҳаси молиялаштирилган. Ушбу лойиҳалар натижасида хусусий секторда қўшимча 1100 дан ортиқ ишчи ўринлари яратилган.

Умуман олганда эса, Ўзбекистон банкларида Ислом дини қоидаларига мос банк маҳсулотлари сони ошиб бораётгани иқтисодиёт учун ҳам, мижозлар учун ҳам яхши ҳолат.